

БИРЖА БЮЛЛЕТЕНИ

2017 йилнинг 1 чорагида
**БИРЖА, КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОЛАРИ,
ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИ**

МУНДАРИЖА

Натижалар. Рақамлар. Фактлар

Биржа, кўргазма-ярмарка савдолари, давлат ва корпоратив харидларнинг асосий натижалари 3

Биржа савдоси, ривожланиш динамикаси, котировкалар:..... 4

Нефт маҳсулотлари, суюлтирилган газ ва кўмир..... 5

Кимё ва нефт-кимё саноати маҳсулотлари 7

Қора ва рангли металлар 9

Қурилиш материаллари..... 11

Қайта ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари 13

Экспорт 14

Кўргазма-ярмарка савдоси 16

амалга оширилган битимлар миқдори;

товарларни харид қилиш тузилмаси;

иштирокчилар миқдори;

КЯС географик кўлами

Давлат харидлари 17

амалга оширилган битимлар ҳажми;

бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши;

давлат харидларининг географик кўлами.

Корпоратив харидлар 18

амалга оширилган битимлар ҳажми;

молиявий маблағларнинг иқтисод қилиниши;

корпоратив харидларининг географик кўлами.

Биржа товар бозорида кичик бизнес корхоналари 19

**Биржа савдоси иштирокчиларининг ишбилармонликда
фаоллиги рейтинги 20**

Биржа, кўргазма-ярмарка савдолари, давлат ва корпоратив харидларинг асосий натижалари

2017 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган битимлар ҳажми ва миқдорининг салмоқли ўсиши, айниқса биржа савдолари ҳамда “ЎзРТХБ” АЖ давлат харидлари платформасида, кузатилди.

2017 йилнинг 1-чорагида “ЎзРТХБ” АЖ битимлари ҳажми 3 309,5 млрд сўмни ташкил қилиб, бу 2016 йилнинг 1- чорагига нисбатан 696,2 млрд сўм, ёки 26,6% га кўпдир. Битимлар сони 171,1 мингдан 185,5 минггача ошди. Мазкур давр ичида Биржадаги савдолар ва харидларда 30,5 мингдан ортиқ корхоналар иштирок этди. Давр айланмалари АҚШ доллари эквивалентида 950 млн.доллардан ошди.

Бунда, биржа платформасидаги битимлар ҳажми 569,9 млрд сўм ва 27,3% га ошди, бунга мувофиқ равишда, кўргазма-ярмарка савдоларидаги битимлар 78,4 млрд сўм ва 23,4% га, давлат харидларидаги битимлар, электрон каталог харидларини ўз ичига олган ҳолда 27,0 млрд сўм ва 28,2% га, корпоратив харидларда –20,9 млрд сўм ва 21,6% га ошди.



Барча савдо платформаларидаги харид ва савдолардан олинган қўшимча тушум ва иқтисод қилинган маблағлар 989,8 млрд сўмни ташкил қилиб, бу 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 770,1 млрд. сўмга кўпдир, яъни 1,3 баробар ўсиш кузатилмоқда.



Юқори кўрсаткичларга эришишда қуйидаги омиллар кўмак бўлди:

янги товар позицияларининг жалб қилиниши, хусусан «SIGMA INVEST» МЧЖ, «GRX METALL KOINOT» МЧЖ, «BEST ENERGY BUSINESS» МЧЖ, «MAXSUS METALL QURILISH» ХК, «MAP» ХК ва бошқаларнинг металл чиғирлари (металлопрокат) маҳсулотлари. Тошкент қувур заводининг пўлат қувурлари ва Ангрен қувурлар заводи томонидан ишлаб чиқарилган мис қувурлар. Мотор, гидравлик, компрессор, редуктор ва бошқа турдаги мойлар «Mobil oil servis» МЧЖ, «NANO TEX OIL» МЧЖ, «BIG PET PLAST» ЧП, «METSERVIS» МЧЖ ҚК ва бошқалар томонидан, қурилиш гипси «B MAX BUILDING MATERIALS» МЧЖ, «Nor Azizbek Savdo Invest» МЧЖ ва «Karmana Gips Maxsulotlari» МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқарилган. Шу билан бирга, бошқа ЁММ бўйича шартномалар очилган бўлиб, «Fergana Oil Trade» МЧЖ, «BLACK GOLD OIL» МЧЖ, "Sirdarya Avto Region" МЧЖ лар томонидан ишлаб чиқарилган дизел ва печь ёқилғилари шулар жумласидандир;

“Охангаронцемент” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган цемент, “ELDAR ASL SAVDO” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган иссиқ битумли том ёпиш мастикаси, “UZ-KOR GAS CHEMICAL” МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқарилган полиэтилен ва полипропилен каби маҳсулотлар иштирокида, валюта майдонида 24 та қўшимча экспорт позицияларининг очилиши;

“UZ-KOR GAS CHEMICAL” МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқарилган ишланган мой (Waste Oil) , “SHAMS-LTD” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган кальций фосфати, ҳамда “Navoiyazot” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган минерал ўғитнинг янги тури – кальций ва аммиакли селитра каби янги товар позициялари учун 3та стандарт биржа шартномаларининг очилиши.

Биржа савдолари, ички ва ташқи бозор.

Биржа савдоларида сотилган маҳсулот активларининг тузилмаси, республикамиз ишлаб чиқариш саноатининг деярли барча соҳалари томонидан тақдим этилган. Ўз ичига нав, синф, сорт ва бошқа тавсифларни олмайдиган маҳсулотлардан иборат йириклаштирилган номенклатура бўйича 70 дан ортиқ маҳсулот тури биржа платформасида сотилиб, улардан 21 тури ликвидлик даражаси юқори, республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга товарлардан иборатдир.



2017 йилнинг 1-чорагида биржа савдоларида 15 325 ташкилот ва корхона иштирок этиб, 74,8 минг битимни амалга оширди. 2016 йилда бу кўрсаткич 13 604 корхона ва ташкилотни, ҳамда 65,9 мин битимни ташкил этган.



Биржанинг умумий айланмасида биржа савдоларини улуши 78,4% ни ташкил этди

ЁЭК корхоналарининг маҳсулоти


Биржа савдоларининг умумий ҳажмида ёқилғи ва кўмир корхоналарининг улуши 13,6% ни, унинг ҳажми эса – 360,6 млрд сўмни ташкил этди. Сотилган товар активларининг рўйхати ўз ичига нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини олади (автомобил ва экстракция бензинлари, дизель ёқилғиси, керосин, бошқа нефть маҳсулотлари, ҳамда кўмир, каолин ва суюлтирилган газ).




Ҳам натурал, ҳам қиймат кўрсаткичларида энг салмоқли ҳажм мотор ёқилғиси сифатида қўлланилувчи суюлтирилган газ (СТГ) улушига тўғри келмоқда. Унинг ЁЭК умумий ҳажмларидаги улуши 2017 йилнинг 1 чорагида 46,2%, ни ташкил қилиб, 2016 йилнинг 1-чорагида бу кўрсаткич 60,0% ташкил этган эди. Бу газни биржа савдоларига қўйиш ҳажмлари қисқарганлиги билан боғлиқдир. Суюлтирилган газга бўлган талаб


таклифдан юқори бўлиб, бу йил давомида ўртача нархларнинг 6% га ошишига сабаб бўлди.

2017 йилнинг 1 чорагида 167,1 минг тонна СТГ ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан 75,3 минг тоннаси, ёки 45,1% биржа савдоларида сотилган.




Суюлтирилган газдан кейинги ўринда турувчи позициялар дизель ёқилғиси ва техник мойларга тегишли бўлиб, уларнинг ЁЭК маҳсулотлари тузилмасидаги улуши мувофиқ равишда 24,9% ва 10,7% ни ташкил этмоқда.






ЁЭК тузилмасига кирувчи барча товарларнинг нархи ўсиш йўналишига эга бўлди. Чекланган талабга эга битум, кўмир ва каолин бундан мустасно.

Кимё ва нефть-кимё саноати корхоналарининг маҳсулоти



Кимё ва нефть-кимё саноати корхоналари томонидан 291,4 млрд.сўмлик маҳсулот сотилган. Бу корхоналарнинг биржа битимлари умумий ҳажмидаги улуши 11 % ни ташкил этиб, бу 2016 йилнинг 1 чорагига нисбатан 3 % га камдир. Таҳлил этилаётган соҳа улушининг биржа савдоларида пасайишига сабаб қуйидагилардан иборатдир: полиэтилен, минерал ўғитлар ва кальцийлаштирилган сода сотилиши ҳажмларининг пасайиши; ҳамда биржа савдоларининг умумий ҳажми 27,3% га ошаётган бир пайтда, мазкур мажмуа корхоналари томонидан пасайишга йўл қўйилган (99,7%).

Мазкур саноат соҳалари корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар биржа савдоси ҳажмининг салмоқли улуши 70,7% полиэтиленга тегишлидир. 2017 йилнинг 1-чорагида, мазкур юқори талабга эга конструкцион материалнинг 24,5 минг тоннаси биржа савдоларида сотилган, 2016 йилнинг 1 чорагида бу кўрсаткич 26,9 минг тоннани ташкил этган. 2015 йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган Устюрт ГКМ томонидан савдоларда 1319 тонна полиэтилен ва 11 104 тонна полипропилен сотилган.



Полиэтилен харидорларининг миқдори 580 дан 610 гача, ёки 5,1% га ошган.

Полиэтиленнинг дунёдаги бозори


Полимерларнинг дунёдаги бозори ҳозирги кунда 210 млн.тоннадан ортиқни ташкил қилиб, бундан 37 % полиэтиленга тўғри келади. Энг йирик ишлаб чиқарувчилар АҚШ ва Яқин Шарқ мамлакатларидир. Яқин Шарқда полиэтиленнинг ишлаб чиқарувчилари Саудия Арабистони ва Эрон мамлакатлари бўлиб, улар ҳудудий ишлаб чиқаришнинг 42% ва 26%ларини ташкил этади. Дунёда ишлаб чиқарилувчи полиэтиленнинг ярмидан кўпи ташқи савдо айланмасига тўғри келади. UN COMTRADE маълумотларига кўра ПБПнинг дунёдаги савдо ҳажми 21,5 млн.тоннани, ЮБПнинг савдо ҳажми 18 млн.тоннани ташкил этган. Ташқи харидлар ҳажми мувофиқ равишда 6,4% ва 4,8%га ошган. Полиэтиленнинг асосий экспорт қилувчилари АҚШ ва Яқин Шарқ мамлакатларидир. Саудия Арабистони полиэтилен етказиб берилишининг 19 %ни, АҚШ эса – 9 %ни таъминлайди. Энг йирик импорт қилувчилар Хитой (19%) ва Ғарбий Европа мамлакатларидир. Таъкидлаш муҳимки, ХХРнинг жаҳон савдо тузилмасидаги истеъмолчи сифатидаги улуши ошиб бормоқда (сўнгги 4 йил ичида 4% ни ташкил этди), бироқ 2015-2016 йилларда ўсиш суръатлари кескин пасайган. Бунга сабаб Хитой ҳудудидаги ўз қувватларининг ишга туширилиши, ҳамда ички талаб ўсиши суръатларининг пасайишидадир.

Металлургия саноати корхоналарининг маҳсулоти

Қора ва рангли металлургия корхоналари томонидан савдоларда 314,6 млрд.сўмлик маҳсулот сотилган бўлиб, уларнинг биржа платформасидаги умумий савдо ҳажмидаги улуши 11,9%ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг 1 чорагида 9,9% ни ташкил этган. Мазкур корхоналар маҳсулотини харид қилиш ҳажмлари юқори ўсиш суръатларини намоиш этиб, 52,2%ни ташкил қилди, бунга сабаб, рангли металллар, ва биринчи навбатда, мис маҳсулотлари бўйича натурал ва қиймат кўрсаткичларининг кўтарилишидир.





Металлургия саноати маҳсулотлари бўйича битимларда мис маҳсулотларининг (катод миси ва мис чивик) улуши 75,0% ни ташкил қилди.



Рангли металллар гуруҳида мис билан бир қаторда рух, алюминий, иккиламчи магний ва унинг синиқлари ўрин олган.

Қора металл чиғир маҳсулотлари бўйича битимлар қиймати 64,8 млрд.сўмни ёки металлургия маҳсулотлари ҳажмининг 23,6 % ни ташкил этди. Текис чиғирлардан ташқари, асосий турлар бўйича табиий ҳажмларнинг пасайиши кузатилган.



Миснинг дунё бозори.

Халқаро мис тадқиқоти гуруҳи (International Copper Study Group, ICSG) маълумотларига кўра, 2017 йилда миснинг дунё бозорига чиқиши фойдаланиш даражасидан бироз юқори бўлади, ваҳоланки, 2016 йилнинг охирларида мазкур металлнинг катта салмоққа эга бўлмаган етишмовчилиги кузатилган эди.

ICSG маълумотларига кўра, 2016 йилда тозаланган мис ишлаб чиқарилиши ярим фоиз атрофида ошиб, тахминан 22,9 млн тоннани ташкил этди. Жаҳон мис бозорининг тахминларига кўра, 2017 йилда бу ҳажм 2% дан ортиқ бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш қувватларининг ошишига асосий ҳаракатлантирувчи куч ХХР бўлиб, у ерда ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилда тахминан 4,2 % га ошириш режалаштирилган.

2017 йилда мис қазиб чиқариш 1,8% атрофида ошади. Демак, жаҳон мис бозори маҳсулотнинг 20 минг тонна атрофидаги ортиқча миқдорига эга бўлади.

Лондон металл биржасининг апрел ойида мисга белгиланган нархи, 2017 йилнинг апрел ойидаги нархлардан юқори бўлиб, бир тонна учун 5715 АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилнинг шу ойида миснинг нархи 4813 АҚШ долларини ташкил этган эди.

Қурилиш материаллари саноат корхоналарининг маҳсулоти


Биржа савдоларида қурилиш материалларининг улуши 27,8% ни ташкил этади.




2017 йилнинг 1 чорагида саноатнинг мазкур соҳаси маҳсулотлари сотуви 737,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2016 йилнинг 1 чорагига нисбатан 34,5%лик ўсишни намоён қилган. Биржа бозорида қурилиш материаллари қуйидаги маҳсулот турлари билан иштирок этади: цемент, том ёпиш материаллари (шифер ва рубероид); боғловчи материаллари (гипс, охак); қурилиш шишаси (ойна); ғишт ва шағал.

Биржа бозорида қурилиш материалларини сотиш ҳажмларидаги асосий улуш цементга тегишли бўлиб, 90,8 %ни ташкил этади.

2017 йилнинг 1 чорагида цементнинг натурал ҳажмлари (107,5 %) ва қиймат кўрсаткичларининг (24,8 %) ошиши билан бир қаторда юқори талаб билан тавсифланади. 2017 йилнинг 1-чорагида цементнинг ўртача нархлари 17,0 %га ошди.



Сўнги йиллар давомида шишага (ойнага) талаб ошиши кузатилмоқда, бу 2017 йилнинг 1 чорагида нархларнинг 25,4 %га ошишига сабаб бўлди.



Боғловчи материалларнинг (гипс ва оҳак) савдога қўйилиши ва сотилиши аввалги йилларга нисбатан анча юқори ҳажмларда амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

Цементнинг дунё бозори

World Cement Market Freedonia маълумотларига мувофиқ, дунёда цемент ишлаб чиқарилиши 2016 йилда 4,5 млрд тоннага етди. Прогнозларга кўра, цементнинг жаҳон бозорида сотилишининг йиллик ўсиши тахминан 5 %ни ташкил этиб, 2017 йилда 4,8 млрд.тоннага етади. Бундай ўсишга сабаб Марказий ва Жанубий Америкада истеъмолнинг 6 %га ўсиши ҳамда, дунёда етакчи цемент истеъмолчиси ҳисобланган Хитойда 8 %га ўсишидан иборатдир. 2012-2017 йиллар ичида цементга умумий талабнинг 50%дан ортиғи Хитой улушига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасининг цемент бозорида ҳам нархлар ва ҳажмларнинг ижобий ўсиши кузатилмоқда, бунга инвестицион фаолликнинг ўсиши сабаб бўлмоқда.

Қайта ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналари томонидан биржа савдоларига қўйилувчи товарларнинг йириклаштирилган номенклатурасида 16 та позиция мавжуд бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради: озиқ-овқат маҳсулотлари (буғдой уни, ўсимлик ёғи ва шакар), чорвачилик учун ем-хашак (пахта, кунгабоқар ва сафлора шроти, пахта уруғининг шўлхаси, ем буғдойи ва арпа), глицерин, ёғли кислоталар, совун, саломас, қамиш мелассаси ва пахта линти.

Биржа савдосининг умумий ҳажмларида бу товарлар 31,0 % ни ташкил этади.




Қайта ишлаш корхоналари маҳсулотлари таркибида энг катта улуш озиқ-овқат маҳсулотларига -53,4% ва чорвачилик учун ем-хашакларга – 37,0% тегишли.

2017 йилнинг 1 чорагида қайта ишлаб чиқариш корхоналари томонидан биржа савдоларида 822,4 млрд.сўмлик маҳсулот сотилган бўлиб, бу 2016 йилнинг 1 чорагига нисбатан 22,6% ўсишни намоиш этди. Бунда, нархи 4,6 мартага ошган пахта линтининг сотилиш ҳажми 70 %га пасайган.


Экспорт.

Валюта савдо майдони орқали ташки маҳсулот бозорига 65,3 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулотлар чиқарилган бўлиб, бу 2016 йилга нисбатан 70,5 % кўпдир.



Экспортнинг умумий ҳажмида валюта савдо майдони орқали сотилган маҳсулотларнинг юқори ликвидлик ва монополистик турларининг улуши 99,5% ёки 65,25 млрд сўмни ташкил этган.

Валюта савдо майдони орқали сотилган маҳсулотлар қаторида қуйидагиларнинг ўрни салмоқли бўлди: рангли металллар (катод миси ва алюминий қотишмаси); минерал



ўғитлар (карбамид); полимер материаллар (полиэтилен ва полипропилен); суюлтирилган

газ; нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари (техник ва ишлаб чиқариш мойлари, гач ва газолин).

Экспортнинг энг катта ҳажмини: полимер материаллар – 38,7 млрд сўм ёки 59,3%ни; катод миси – 6,8 млрд ёки 10,5%ни ва суюлтирилган газ - 6,5 млрд сўм ёки 9,9%ни ташкил этди.

Экспортнинг географик кўлами: полиэтилен асосан Россияга - 63,8 %, Қозоғистонга - 32,8% экспорт қилинди. Суюлтирилган газ – Афғонистонга -55,8%, Буюк Британияга – 44,2% экспорт қилинди. Катод миси - Швейцарига - 100% экспорт қилинди. Полипропилен – Россияга - 87,5% ва Буюк Британияга - 7,7% экспорт қилинди. Пиролиз газолини – Қирғизистонга -34,0%, Буюк Британияга - 33,2% ва Панамага – 30,9% экспорт қилинди.



Кўргазма-ярмарка савдоси

Савдо иштирокчиларининг миқдори 41,2%га ўсиб, 2 164 тага етди, 16,4 минг битим амалга оширилди, уларнинг ҳажми эса 23,4% га ошиб, 413,9 млрд сўмни ташкил этди.





КЯСнинг динамик ривожланиши тўғрисида охириги беш йилликнинг маълумотлари далолат бермоқда, бу давр ичида битимлар ҳажми 3,4 баробарга, иштирокчилар миқдори – 2,7 баробарга, Биржа умумий айланмаларидаги улуши эса 2013 йилдаги 7,4%дан 2017 йилда 12,5%гача ўсган.

КЯС Республикада ривожланиб келаётган электрон тижоратнинг ажралмас қисми бўлиб, мазкур электрон савдо майдонида кенг кўламли товарлар хариди ва савдоси амалга оширилади. Уларнинг қаторида: кимё ва у билан боғлиқ саноат соҳалари маҳсулотлари умумий ҳажмининг 23,9%, қурилиш материаллари 14,9%, машина ва ускуналар эҳтиёт қисмлари -11,6%; қора ва рангли металллардан тайёрланган қувурлар– 7,6%; саноатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари – 5,3%

КЯС тизимида янги имкониятларнинг янги турлари кўзда тутилган бўлиб, улар битим тузишнинг иккита шаклини амалга ошириш имкониятини беради. Булар рақобатли ва рақобатсиз шакллардир. Рақобатли битимларда сотувчиларнинг шартларини қабул қилиш, иккитадан кам бўлмаган электрон тижорат иштирокчилари мавжуд бўлса амалга оширилиши мумкин. Рақобатсиз битимларда бундай шарт мавжуд эмас.

Давлат харидлари

Давлат харидлари бўйича электрон ким ошди савдоларида 83,8 минг битим амалга оширилган бўлиб, уларнинг қиймати 113,6 млрд сўмни (2016 йилнинг 88,5 млрд.сўмни) ташкил этиб, 28,3% ўсишни намоён этди. Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишида кичик бизнеснинг улуши 98,0%ни , пул маблағларининг иқтисод қилиниши эса – 30,1 млрд сўмни ташкил этди.





Худудий кесимда давлат харидлари бўйича битимларнинг энг юқори кўрсаткичлари Сурхондарё вилоятида - 54,8%, Самарқанд вилоятида - 54,8%, Хоразм вилоятида - 48,4%, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри - 36,5%лик ўсишни намоён қилган.

Электрон каталогдан фойдаланган ҳолда биринчи зарурият маҳсулотларининг 9,4 млрд.сўмлик хариди амалга оширилган (2016 йилнинг 1-чорагига нисбатан 126,7%) бўлиб, 5,1 млрд сўмлик маблағлар тежалган. Умуман олганда, давлат харидларининг ҳажми,

электрон каталогдаги харидларни ҳисобга олган ҳолда 123,0 млрд сўмни ва 28,2%ни ташкил этди.

Корпоратив харидлар

Электрон корпоратив харидлар орқали 5,0 мингта 117,6 млрд сўмлик битим амалга оширилган бўлиб, улар 21,6%лик ўсишни ташкил этди. Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилишида кичик бизнеснинг улуши 96,4 % ни , пул маблағларининг иқтисод қилиниши эса – 29,7 млрд сўмни ташкил этди.




Битимлар ҳажми ўсишининг энг юқори суратлари Сирдарё вилоятида – 83%ни, Жиззах вилоятида – 80,1% ни, Сурхондарё вилоятида – 68,9% ни ташкил этди.

Электрон давлат ва корпоратив харидларнинг “ЎзРТХБ” АЖ умумий айланмасида 7,3% ни ташкил этди.

Биржа товар бозорида кичик бизнес корхоналари

Биржа савдолари хажмининг ўсиши, “ЎзРТХБ” АЖда сотиладиган товарлар номенклатурасининг кенгайиши, янги савдо платформаларининг барпо этилиши ва Биржа инфратузилмасининг ривожланиши, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётнинг мазкур секторида хомашё ресурсларини харид қилиш, ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни рақобат шартларида реализация қилиш учун жалб қилинишига сабаб бўлди.

2017 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган битимларнинг умумий 186,0 минглик миқдоридан 135,1 мингтаси ёки 85,2% тадбиркорлар улушига тўғри келди, битимларнинг ҳажми 2 219,0 млрд сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 14,6% ўсишни намойиш этди.



Биржанинг умумий айланмасида кичик бизнеснинг улуши 67,0% ни ташкил этди, бунда электрон каталогдаги биринчи зарурият товарларининг бутун ҳажми кичик бизнес улушига тўғри келиб, давлат харидларида – 98,0%ни, корпоратив харидларда – 96,4%ни, кўرғазма-ярмарка савдоларида – 77,6% ни , биржа савдоларида – 57,8% ни ташкил этди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдоларида харид қилинувчи хомашё ва материалларга қуйидагилар киради: цемент -27,1%; полиэтилен -12,3%; суюлтирилган газ -10,7%; озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, ёғ, шакар) -11,1%; рангли металллар -9,8%; нефть маҳсулотлари -7,4%; чорвачилик учун ем-хашак – 6,8%; қурилиш материаллари ва қора металллар чиғири -4,4% ва бошқа тур маҳсулотлар.

Кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдоларида сотилган товарлар қаторига қуйидагилар киради: нефть маҳсулотлари – 26,1%; суюлтирилган газ -32,7%; қурилиш материаллари – 7,0%; озиқ-овқат маҳсулотлари – 2,3% ва бошқа тур маҳсулотлар.

**Биржа савдолари иштирокчилари бўлмиш брокерлик
идораларининг рейтинг**

Хизмат кўрсатиладиган харидорлар миқдорига кўра

№ т/р	БИ №	Харидорлар миқдори	Харидорларнинг умумий миқдорига солиштира ҳажми (%)
1	3081	166	0,88%
2	13515	150	0,80%
3	10107	148	0,79%
4	8555	128	0,68%
5	394	114	0,61%
6	11714	113	0,60%
7	12003	110	0,59%
8	8245	106	0,56%
9	3539	106	0,56%
10	8147	105	0,56%

Харид қилиш битимлари ҳажмига кўра

№ т/р	БИ №	Сумма (млн сўм)	Битимларнинг умумий ҳажмига нисбатан солиштира ҳажми (%)
1	1729	279777,1	6,7%
2	502	103616,3	2,5%
3	264	67676,6	1,6%
4	265	63430,0	1,5%
5	427	53783,0	1,3%
6	13684	51798,3	1,2%
7	740	48244,1	1,2%
8	8181	43770,0	1,0%
9	692	43562,9	1,0%
10	622	39496,7	0,9%